

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

“MOLIYAVIY TAHLIL” KAFEDRASI

MOLIYAVIY VA BOSHQARUV TAHLILI

FANIDAN

REFERAT

Мавзу: Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш шароитида ишлаб
чиқариш захиралари ва уларнинг таҳлили

Bajardi: Rahimova A.

Ilmiy rahbar: Амирдинова М

Toshkent 2016

Режа:

Кириш

1. **Ишлаб чиқариш захиралари таҳлилининг вазифаси ва ахборот манбалари**
2. **Ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланганлик режасининг бажарилиши таҳлили**
3. **Ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлар тизими**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонани ишлаб чиқариши кўзда тутган маҳсулотлар ҳажми истеъмолчиларнинг кўлами ҳамда корхона ички имкониятлари билан узвий боғлиқдир. Айниқса, маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бойликларнинг чегараланганлиги мўл-кўл товарлар яратишни ҳам чегаралайди. Бундай шароитда корхона ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри белгилай олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда оқилona ва самарали иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқиши ва ҳаётга изчил равишда татбиқ этилиши, барқарор ривожланишни асосий манба, омилларининг тўғри танланиши ва уларга устувор аҳамият қаратилиши кейинги йилларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминланишига имконият яратмоқда.

Маҳсулот мўл-кўллигини таъминлашда аҳолини хилма-хил товарлар билан таъминлашда хорижий сармояларнинг тутган роли катта. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини кузатар эканмиз, ривожланиш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар чет эл сармояси киритилган мамлакатлар иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланиб, салмоқли ютуқларга эришаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқаро молиявий ташкилотлар маълумотларига кўра бир йилда қарийб 400 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармоя бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга, бир минтақадан бошқа минтақага олиб кирилади.

1. Ишлаб чиқариш захиралари таҳлилининг вазифаси ва ахборот манбалари

Корхонанинг тўлиқ ҳажмда хом ашё ва ассортиментдаги бошқа материаллар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш туфайли маҳсулот ҳажми, фойда ва рентабеллиги ортади, маҳсулот таннархи пасаяди. Бунинг акси бўлган ҳолларда эса ишлаб чиқариш издан чиқади, маромдан четлашилади, айрим ҳолларда ишлаб чиқариш тўхтаб қолади. Хом ашё, ёқилғи, энергия ва бошқа меҳнат предметларига бўлган талаб мустақил равишда корхона томонидан режалаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонунининг 22-1 моддасида бу хусусда шундай дейилади: “Корхона бозор талабларини, эҳтимол ту-илган шерикларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-навонинг ўзгариши тўғрисидаги ахборот асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини, бозорларда (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) монополияга қарши қонунларнинг талабларини назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини, маҳсулот сотишни ва ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини мустақил амалга оширади.”

Техника тараққиёти (машина ва механизмлар конструкциясини такомиллаштириш, уларнинг параметрларини яхшилаган ҳолда массасини камайтириш, электрониканинг сўнгги ютуқлари асосида буюмларни миниатуралаштириш ва микроминиатуралаштириш, прогрессив материалларни, камчиқитли ва чиқитсиз техна-логияни қўллаш), тежамкорлик режимида риоя қилиш, ҳар бир ишловчида омилкорлик, жамоавий меҳнат натижаларига онгли муносабатда бўлиш туйғусини шакллантириш материал сиғимини камайтиришнинг асосий омилларидир.

Иқтисодий таҳлилнинг бу борадаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланиш даражасини аниқлаш;
- шартномадаги материал ресурсларини етказиб бериш муддатларига риоя қилишини назорат қилиш;
- транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари белгилаш;
- захира ва харажатларни самарали бошқарилишини ўрганиш.

Таҳлил этишнинг ахборот манбалари :

Моддий-техника таъминоти бўйича бизнес-режа; хом ашё ва материаллар бўйича тузилган шартнома; моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги статистик ҳисобот; моддий-техник

таъминоти бўлимининг тезкор маълумотлари ҳамда хом ашё ва материалларнинг кирими, сарфи бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва бошқа манбалар.

2. Ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланганлик режасининг бажарилиши таҳлили

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ва маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш учун корхона хом-ашё, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслар билан етарли миқдорда таъмин этилиши керак. Материалларни белгиланган миқдорда, ассортиментда келиб тушмаслиги, муддатларини узайиши ишлаб чиқаришни тўлиқ қувват билан ишлашини таъмин этмайди. Шу билан бирга, ортиқча хом ашё захираларига эга бўлиш, маблағлар айланишини секинлаштиради, нақд пул маблағларининг етишмаслигига олиб келади.

Демак, иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқаришни нормал ташкил этиш учун корхонанинг оптимал миқдордаги моддий-техник ресурсларга бўлган талабини аниқлашдан иборат. Моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёж икки манба ҳисобига қондирилади.

- ташқи таъминот;
- ички таъминот.

Ташқи таъминот деганда хом ашё биржалари, кўргазмалари орқали тузилган шартномалар асосида хом ашё, ёқилғи ва бошқа ресурсларни келиб тушиши тушунилади.

Ички таъминот, таъминот режасининг бажарилиши ички ресурслардан унумли фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш, иқтисод режимига риоя қилиш эвазига амалга оширилади.

Республика иқтисодиётининг шаклланишида лизинг кредитларини роли каттадир. Лизинг кредитларидан фойдаланиш учун дастлаб лизинг компаниялари ёки лизингни амалга оширувчи субъектлари билан лизинг кредитлари бўйича шартномалар тузилади. Бунда уч томон қатнашиши мумкин.

Лизинг кредитини амалга оширувчи молиявий маблағга эга бўлганлиги учун моддий-техник ресурсларни ижарага берувчилардан олиб, уларни фойдаланувчиларга етказиб бериш билан шуғулланиши мумкин. Айрим ҳолларда эса моддий-техник ресурсларни тўғридан-тўғри ижарага берувчилар уларни ижарага олувчиларга етказиб беришлари мумкин. Бу масалалар шартномаларда батафсил ўз аксини топиши зарур.

Таҳлил давомида корхонани моддий ресурслар билан таъминланиш коэффиценти аниқланади:

$$K_T = \frac{M_x}{M_p};$$

бунда M_x, M_p – материалларни ҳақиқий тушуми ва материал-ларга бўлган талаб (шартнома).

Моддий ресурсларнинг меъёр захираси жорий ва муҳофаза (ҳар эҳтимолга қарши) захираларидан иборат.

$$Z_{\text{меёр}} = Z_{\text{жорий}} + Z_{\text{муҳофаза}}$$

Жорий заҳира етказиб бериш интервали (Инт) кунда ва мате-риалларни бир кунлик сарфлари ($C_{\text{кун}}$) кўпайтмасидан ҳосил бўлади.

$$Z_{\text{жорий}} = \text{Инт} * C_{\text{кун}}$$

Муҳофаза захиралари ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эти-шини кафолатловчи, моддий ресурслар таъминотидаги узилишлар рўй берган ҳоллар учун зарур.

Моддий-техник таъминотни комплекс таҳлил этишда талаб-нинг шартнома бўйича қопланиши ва бажарилиши аниқланади.

1-жадвал.

Моддий ресурслар таъминоти режасининг бажарилишини таҳлили

Материал-лар тури	Материал-ларга бўл-ган талаб, тонна	Талабни қоплаш манбаи		Шартнома тузилди, тонна	Талабнинг шартнома бўйича қопланиши, %	Материал-ларнинг келиб тушиши, тонна	Шартнома бажари-лиши, %
		ички	ташқи				
А	25000	500	24500	23300	95,1	21902	94,0
Б	47000	50	4650	4420	95,0	4190	94,8

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, “А” хом ашё турига тузилган ташқи шартнома 95,1 (23300:24500x100) фоизга, “Б” тури бўйича 95,0 фоизга бажарилган холос. Корхонанинг ички ва ташқи манбалар бўйича хом ашёга

бўлган талаби “А” хом ашёси бўйича $95,2 \left(\frac{500+23300}{2500} \right)$ фоизга, “Б” хом ашёси бўйича эса $95,1 \left(\frac{50+4420}{4700} \right)$ фоизга таъминланган. Материалларни етказиб бериш режаси 10,4 фоизга бажарилмаган.

$$\left(\frac{(21902+500)*100}{25000} \right) = 89,6 \text{ фоиз}; 100-89,6=10,4$$

Захира ҳолатини таҳлил этиш учун белгиланган меъёр билан захирани кундалик сарфи таққосланиб, хом ашё, ёқилғи ва бошқа ресурсларнинг ортиқчалиги ёки етишмаслиги аниқланади.

Иқтисодий таҳлилда оптимал ҳажмдаги буюртма ва захираларни аниқлаш муҳим ўрин тутди. Захираларни бошқариш энг зарур ва масъулиятли ҳисобланади. Корхонанинг барча якуний натижалари захираларни оптималлаштиришга боғлиқ. Захираларни самарали бошқариш сармоялар айланишини тезлаштиради ва унинг даромадлилигини оширади, захираларни сақлаш харажатларини камайтиради, хўжалик оборотидан сармояларни бўшашини таъминлайди. Жорий захираларни оптималлаштиришда хорижий мамлакатларда бир қанча моделлардан фойдаланилади. Улардан кенг тарқалгани иқтисодий жиҳатдан асосланган буюртма модели (EOQ-model)дир. Бу моделнинг асосий мақсади захираларни харид этиш ва уни сақлаш билан боғлиқ харажатларни мумкин қадар қисқартиришдан иборат. Харажатлар икки гуруҳга бўлиб ўрганилади:

- 1) товарларни ташиш харажатлари;
- 2) товарларни омборларда сақлаш харажатлари;

Товарларни омборларда сақлаш харажатлари ($Z_{\text{сак}}$) қуйидагича аниқланади:

$$Z_{\text{сак}} = \frac{РПП}{2} * C_{\text{сак}},$$

Бу ерда: РПП – келиб тушган бир партиядаги товарни ўртача миқдори;

$C_{\text{сак}}$ – товар бирлигини сақлаш харажати.

Бу формула орқали хулоса қилиш мумкинки, товар бирлигини сақлаш харажати ўзгармаган ҳолда жами товар маҳсулотини омборда сақлаш харажатлари бир партиядаги товарни ўртача миқдорини камайтириш ҳисобига пасайтиришга эришиш мумкин. Математик формула тарзида EOQ қуйидагича ифодаланади:

$$EOQ = \sqrt{\frac{2 * VIIII * Цр.3}{C_{сак}}},$$

Бунда: EOQ – товарларни етказиб беришнинг ўртача миқдори;

VIII – хом ашё ва материалларга бир йиллик талаб;

Цр.3 – бир бирлик буюртмани жойлаштириш қиймати.

Ишлаб чиқариш захирасини ($ПЗ_{онм}$) ўртача оптимал миқдори қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$ПЗ_{онм} = \frac{EOQ}{2}$$

Ривожланган мамлакатларда захиралар ҳаракатини назорат қилиш тизимида *ABC – анализ*, *XVZ – анализ* ва *логистика* кенг тарқалган.

ABC – анализ бошқарув муаммолари ечимини аниқлашга қаратилган.

Бу назорат тури ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот етказиб берувчилар, маҳсулот гуруҳлари ва уларни сотиш бозори, истеъмолчиларнинг категориялари бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқади. Захиралар ҳаракатини назорат қилиш тизимида барча захиралар уч гуруҳга бўлиб ўрганилади.

A–категориясига тегишли захиралар баҳоси қиммат бўлган буюртмалар бўлиб уларни назорат қилиш доимий тусга эга.

B–категория таркибига операцион жараённинг узлуксизлигини таъминлашда муҳим бўлмаган товар–моддий қийматликлар киради. Бу гуруҳдаги захиралар ҳар ойда бир маротаба назорат қилинади.

C–категория таркибига арзон қийматликка эга бўлган товар моддий қийматликлар киради. Молиявий натижаларни шаклланишида бу гуруҳдаги захиралар муҳим аҳамият касб этмайди. Ҳар кварталда бир маротаба захира харажати назорат қилинади.

XVZ–анализда материаллар ишлатилиши бўйича структурага бўлинади.

X–гуруҳига доимий ишлатиладиган материаллар, V–гуруҳига мавсумий, Z – гуруҳига доимий характерга эга бўлмаган материаллар киради.

Захираларни бошқаришда логистика асосий ўрин тутди. У товарлар ҳаракатини, “мол етказиб берувчи–корхона–истеъмолчи” цикллари мувофиқлаштириди, истеъмолчига материаллар, маҳсулотларни ўз муддатида, сифатли етказиб берилишини кафолатлайди. Бунинг натижасида оморда товарларни сақлаш муддатлари қисқариши туфайли захиралар айланиши тезлашади, корхона фаолияти самарадорлиги ортади.

3. Ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлар тизими

Материаллардан самарали фойдаланишни умумий ва яқка кўрсаткичлар тизими ифодалайди.

Умумий кўрсаткичлар қаторига материаллар харажати ҳар сўмига тўғри келадиган фойда миқдори, материал қайтими, материал сиғими, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ва материаллар харажати коэффициентларини киритиш мумкин.

Материаллар харажати ҳар сўмига тўғри келадиган фойда, сотишдан қўрилган фойдани (Φ) материаллар харажати (M_x) га бўлиш орқали аниқланади. ($\frac{\Phi}{M_x}$).

Материал қайтими (M_k) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини (Q) материаллар харажатига бўлиш орқали аниқланади.

$$M_k = \frac{Q}{M_x}$$

Материал сиғими (M_c) материал қайтимининг акси бўлиб, материаллар харажати маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига бўлинади.

$$M_c = \frac{M_k}{Q}$$

Ишлаб чиқариш ҳажми билан материаллар харажати ўсиш суръатларини нисбатини аниқлаш учун ишлаб чиқариш ҳажми индексини материаллар харажати индексига бўлиш лозим. Бу кўрсаткич нисбатан материал қайтими динамикасини ифодалайди.

Материаллар харажати коэффициенти (K_{mx}) – ҳақиқий сарфланган материаллар харажати (X_{mx}) ни режадаги материаллар харажати ҳақиқий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (Vi) индекси кўпайтмасидан ҳосил бўлган кўрсаткичга бўлиш орқали аниқланади.

$$K_{MX} = \frac{X_{MX}}{M_{X_p} * Vi}$$

Бу коэффициент “1” дан катта бўлса, ортиқча материаллар сарфига йўл қўйилганлигини, “1” дан кичик бўлса, материаллардан иқтисод қилишга эришилганликни ифодалайди. Материал сиғимини якка (алоҳида) кўрсаткичлари материалларнинг айрим турларидан самарали фойдаланишни ифодалайди. Улар каторига ёқилғи сиғими, материал сиғими, хом ашё сиғими каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Маҳсулот таннархидаги материаллар харажатининг улуши қиймат ва натура шаклларида аниқланади. Масалан, “А” маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё, ёқилғи, энергия ва бошқа материаллар харажати 600 сўмни, унинг улгуржи баҳоси 1000 сўмни ташкил этса, бунда материаллар харажатининг улуши 60 фоиз ($600:1000*100$) ни ташкил этади.

Материал қайтими ҳамда материал сиғими, аввало, ишлаб чиқариш ҳажми ва материал харажатларига боғлиқ. Ишлаб чиқа-рилган маҳсулот миқдори, унинг структураси ва маҳсулот сотиш баҳосининг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмининг қиймат шаклига таъсир этади. Материал харажатларига ҳам айнан шу омиллар, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, унинг структураси, маҳсулот бирлиги учун материаллар сарфи, материаллар баҳоси таъсир этади. Материаллар сиғимига таъсир этувчи омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$M_{\varepsilon} = \frac{M_x}{Q} = \frac{\sum(VQ_M * M_C * M_{MC} * M_{\sigma})}{\sum(VQ_M * M_C * M_{\sigma})}$$

Бунда: M_{ε} — маҳсулот материал сиғими;

M_x — материаллар харажати;

Q — ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати;

VQ_M — жами ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;

M_C — маҳсулот структураси;

M_{MC} — маҳсулот материал сарфи;

M_{σ} — материал баҳоси;

Материаллардан самарали фойдаланишни ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири — материал харажатларининг ҳар сўмига тўғ-ри

келадиган фойда ҳисобланади. Бу кўрсаткичдан юқори даражага эришиш корхона фаолиятининг ижобий томонини ифодалайди. Материаллардан фойдаланишнинг комплекс таҳлилида материал харажатларининг ҳар сўмига тўғри келадиган фойда кўрсаткичи-нинг динамикаси ўрганилади, рақобатдош корхона маълумотлари билан таққосланиб, ишга солинмаган ички имкониятлар аниқла-нади. Материал харажатларининг ҳар сўмига тўғри келадиган фой-да миқдорининг базис давридан фарқланишига омиллар таъсири қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{\Phi}{M_x} = \frac{\Phi}{C_T} * \frac{C_T}{VQ_M} * \frac{VQ_M}{M_x} = R_c * U_c * M_k$$

Бунда: Φ – сотишдан кўрилган фойда;

M_x – материаллар харажати;

C_T – сотишдан келган соф тушум;

VQ_M – ишлаб чиқариш ҳажми;

R_c – сотишдан кўрилган рентабеллик, %;

U_c – ишлаб чиқариш ҳажмида сотишдан келган тушум ҳиссаси, %

M_k – материал қайтими.

2-жадвал.

Материаллардан фойдаланишни таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Шартли белги	Ҳисобот йили		Бизнес-режадан фарқи (+,-)
			бизнес-режа	ҳақиқатда	
	А	1	2	3	4
1	Сотишдан кўрилган фойда	Φ	75200	87640	+12440
2	Сотишдан келган	C_T	200500	280300	+79800

	тушум				
3	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	VQ_M	220388	254550	+34162
4	Материал харажатлари	M_X	143252	166730	+23478
5	Сотишдан олинган рентабеллик даражаси, % (1қ:2қ)x100	R_C	37,50	31,26	-6,24
6	Ҷами ишлаб чиқаришда сотишдан келган тушум ҳиссаси, % (2қ:3қ)x100	Y_C	0,909	1,101	+0,192
7	Материал қайтими, сўм (3қ:4қ)	M_K	1,54	1,52	-0,02
8	1 сўм материал харажатиға тўғри келадиган фойда, тийин (1қ :: 4қ)		52,49	52,31	-0,18

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхонада ҳисобот йилида материал харажатларининг ҳар сўмига тўғри келадиган фойда 52,31 тийинни ташкил этиб, бизнес-режа кўрсаткичига нисбатан қуйидаги омиллар ўзгаришининг таъсирида 0,18 тийинга пасайган.

а) сотишдан қўрилган рентабеллик:

$$(P_C^1 - P_C^0) * Y_C^0 * M_K^0$$

$$(-6,24) * 0,909 * 1,54 = -8,73$$

б) жами ишлаб чиқаришда сотувдан келган тушум ҳиссаси:

$$R_C^1 * (Y_C^1 - Y_C^0) * M_K^0$$

$$31,26 * 1,101 * (-0,02) = -0,69$$

в) материал қайтими:

$$R_C^1 * Y_C^1 * (M_K^1 - M_K^0)$$

$$31,26 * 0,101 * (-0,02) = -0,69$$

$$\text{текшириш: } -0,18 = -8,73 + 9,24 - 0,69$$

$$-0,18 = -0,18$$

Умумий материал сиғимини пасайтириш имкониятларини аниқлаш мақсадида сарф этилаётган материалларнинг турлари бўйича ҳам сиғимини аниқлаш лозим.

3-жадвал.

Материал турлари сиғимини таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Режадан фарқи (+,-)
Маҳсулот ҳажми солиштира улгур-жи баҳода, минг сўм	220388	254550	+34162
Материаллар харажати, минг сўм	143252	166730	+23478
Шу жумладан: хом ашё ва материаллар	45179	52946	+7767
Яримфабрикатлар	84629	96474	+11845
Ёқилғи	7934	8909	+975
Энергия	2865	5092	+2227
бошқа материаллар	2645	3309	+464
Умумий материал сиғими, тийин	65,0	65,5	+0,5
Шу жумладан: хом ашё сиғим	20,5	20,8	+0,3
яримфабрикат сиғим	38,4	37,9	-0,5
ёқилғи сиғим	3,6	3,5	-0,1
энергия сиғим	1,3	2,0	+0,7
бошқа материаллар сиғим	1,2	1,3	+0,1

Умумий материал сиғими режага нисбатан 0,5 тийинга хом ашё, энергия ва бошқа материаллар сиғимининг 0,3; 0,7; 0,1 тийинга ортиши туфайли рўй берган. Бу турдаги материаллар сиғимини пасайтириш эвазига умумий материал сиғими 1,1 тийинга ($0,3+0,7+0,1$) қисқариши мумкин. Ярим фабрикат, ёқилғилар бўйича сиғим режага нисбатан 0,6 тийинга пасайган.

Foydalaniladigan o'quv adabiyotlari ro'yxati

1. Karimov I.A. "Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, uni O'zbekiston sharoitida bartaraf etish yo'llari va choralari". T.: "O'zbekiston", 2009 y, 56 b.
2. Karimov I.A. "Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va yangilashni izchil davom ettirish – davr talabi". "Xalq so'zi" gazetasi, 13 fevral, 2009 yil.
3. Karimov I.A. "Asosiy vazifamiz-vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir".-Toshkent:"O'zbekiston", 2010.-80-b.
4. Karimov I.A. "Barcha reja va dasturlarimiz Vatanimiz taraqqiyotini yuksaltirish va xalqimiz farovonligini oshirishga xizmat qiladi".- Toshkent: "O'zbekiston", 2011.-45-b.
5. Karimov I.A. "Bank tizimi, pul muomalasi, kredit, investitsiya va moliyaviy barqarorlik to'g'risida". T.: O'zbekiston, 2005. - 528 b.
6. Karimov I.A. "2012-yil Vatanimiz taraqqiyotini yangi bosqichga ko'taradigan yil bo'ladi ". "Xalq so'zi" gazetasi, 20 yanvar 2012 yil.
7. Karimov I.A. "Bosh maqsadimiz – keng ko'lamli islohotlar va modernizatsiya yo'lini qat'iyat bilan davom ettirish". Xalq so'zi" gazetasi, 19 yanvar 2013 yil.
8. Басовский Л.Е., Басовская Е.Н. и др. «Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности»: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 366 с.
9. Vahobov A.V., Ishonqulov N.F., Ibroximov A.T. "Moliyaviy va boshqaruv tahlili". Darslik. T.; Iqtisod-Moliya, 2013. -600 b.
10. Ахмаджонов Х.И., Ишонкулов Н.Ф., Нурманов У.А. "Пул маблағларининг ҳисоби ва таҳлили". Т.: "Иқтисод-молия", 2009 й. 251 б.
11. Ibragimov G'.A., Yakubov U.K. Tashqi iqtisodiy faoliyat tahlili. O'quv-uslubiy qo'llanma. T.; TMI, 2012y. - 140 b.
12. Калинина А.П. и др. Экономический анализ: Основы теории. Комплексный анализ хозяйственной деятельности организации. /Учебник – М.: "Высшее образование", 2005. – 382 ст.
13. Ковалев В.В., Ковалев Вит. В. Анализ баланса или Как понимать баланс. Учебно-практическое пособие – М.: Проспект, 2010-560 с.
14. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. /Учебник. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА – М, 2009. – 536 с.
15. Shog'iyosov T. Kompleks iqtisodiy tahlil. Darslik. –Т.: "Fan va texnologiya" 2012. – 278 b.
16. Шагиясов Т., Сагдиллаева З., Файзиев Б. Финансовый и управленческий анализ. /Учебник –Т.: Иқтисод-Молия, 2008. – 352 с.
17. Вахобов А.В., Абдуллаев Ё.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этиш йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Т.: "Иқтисод-молия", 2009 й, 192 б.
18. Бариленко В.И., Плотникова Л.К, Кузнецов С.И., Скачкова Р.В, Плотникова В. «Анализ хозяйственной деятельности»: –М.: Издательство «Омега - Л» 2009. – 414с.: табл.
19. Бердникова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учеб. пособие. –М.: ИНФРА –М 2010-215 с.
20. Бочаров В. В. Финансовый анализ. Краткий курс. 2-е изд. — СПб.: Питер, 2009. - 240 с.
21. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. Бошқарув таҳлили. /Ўқув қўлланма -Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2005. – 320 б.
22. Ронова Г.Н., Ронова Л.А. Анализ финансовой отчетности: Учебно-методический комплекс. – М.: Изд. центр ЕАОИ. 2008. – 240 с.
23. Соколова Н.А., Каверина О.Д. Управленческий анализ. /Учебник –М.: «Бухгалтерский учет», 2008. – 345 с.
24. Internet saytlari:
 - www.buhgalt.ru
 - www.audit-it.ru.
 - www.books/bankir.ru.
 - www.finanaliz.kiev.ua.
 - www.stat.uz
 - www.ziynet.uz